

Ёлгон ваъдаларга учиб, меҳнатини, кучини, кола-верса, соғлигини йўқотган юртдошларимизни хушёрликка чакириш ҳар биримизнинг бур-чимиздир.



Бир-биримизнинг ҳолимизни сўрамасак, яхши-ёмон кунларимизда бир-биримизга елка ту-тиб, ҳамдард бўлмасак, ахир биз нима учун яшаймиз?!



Mustaqillik huquq demakdir

Ҳуқуқ



1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 6-avgust, №32 (657)

Тошкент - 2200 йил



КЎҲНА ВА НАВҚИРОН ПОЙТАХТ

2007 йил 2 ноябрда халқаро ЮНЕСКО ташкилотидан юртимизга хушхабар келди. Шу кун мазкур халқаро ташкилот Бош конференциясининг 34-сессияси Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу воқеа Ўзбекистон пойтахти жаҳон цивилизациясида, халқаро ҳамкор-ликни ривожлантиришда муносиб ўрин тутиб келаётганидан, дунё ҳамжамияти-нинг юртимизга бўлган қизиқиши ва эътибори тобора ортиб бораётганидан дало-лат беради. Орадан кўп вақт ўтмай, 2008 йил 2 апрелда Президентимизнинг "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори матбуотда эълон қилинди ва шу тарихий ҳужжатлар асосида кўҳна ва навқирон пойтахтнинг тўйини халқаро миқёсда нишонлашга тайёргарлик ишлари қизғин бошлаб юборилди. Юбилейга тайёргарлик жараёнида Тошкентда олиб борилаётган улкан ўзгаришлар кўлами ҳар бир кишини ҳайратта қолмасдан қолмайди.

(Давоми 3-бетда).

Ориф АҲМАДЖОНОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг ўринбосари

МАЪНАВИЯТНИНГ БУНЁДКОРЛИК КУЧИ

Бутун жаҳон турли муаммолар гирдоб-и айланмоқда. Бир томондан, молиявий инқироз, яна бир томондан, одам савдо-си, терроризм балоси ташвишга солиб ту-рибди. Яна қанча майда-чуйда муаммолар-ни айтмасак ҳам бўлади. Ҳар бир давлат ўзинча, ўз услубидан келиб чиқиб уларга қарши курашаётган.

Мамлакатимиз миқёсида ҳам жаҳоншумуд муаммоларнинг ҳар бирига қарши амал-ий ишлар қилинмоқдаки, буни юртдош-ларимиз яхши билишади. Ҳукуматимиз то-монидан пухта ҳуқуқий асос яратилиб, чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда, керак-ли йўл-йўриқлар кўрсатишмоқда. Ана шу ҳужжатларни сифатли ва самарали ижро қилишнинг ўзи мақсад сари элтувчи олим-дир. Шу билан бирга, амалдаги қонунари-мизга оғишмай амал қилиниши ҳам мам-лакатимизни турли муаммолардан ҳимоя этади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлик-лари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётнинг реал секто-ри корхоналарини қўллаб-қувватлаш, тад-биркорларнинг қонуний ҳимоясини, аҳоли-ни иш билан таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, банк-молия тизимини, бозор ва

коммунал соҳаларда иқтисодий ислохотлар-ни чуқурлаштиришга қаратилган қонуна-лар ижроси юқорида таъкидланган оламшумуд муаммоларга қарши энг самарали кураш эмасми? Иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, тadbirkorларни ҳимоя қилиш, уларга кенг йўл очиш молиявий инқирозга, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражаси-ни яхшилаш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий ҳимояни тўғри таъкид этиш одам савдосига, фуқаролар маънавиятини юксал-тириш терроризм, экстремизм деган боло-ларга қарши курашнинг оқилона кўриниш-ларидир.

Биз кураётган ҳуқуқий-демократик дав-лат, эркин фуқаролик жамияти қонун ус-туворлигига асосланган. Чунки, қонун ус-тувор бўлган жойда алолат бўлади. Қонун қабул қилинмиши, у албатта, ижро қили-ниши шарт. Вилоят прокуратураси томони-дан ўтган олти ой давомида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида ўтказилган 278 та текшириш натижаларига кўра 11 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Бу ҳужжатларнинг ортида катта ижобий натижалар турибди.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Бош про-куратурасида Бош прокурор Р.Қодиров раислигида кенгайтирилган ҳайъат маж-лиси бўлиб ўтди.

Мажлиса прокуратура органлари-нинг мамлакатда қонунийликни мустаҳ-камлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эр-кинликларини муҳофаза қилиш, жино-ятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ол-дини олиш юзасидан 2009 йилнинг 1-ярмидаги фаолияти яқунлари муҳока-ма қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2009 йил 13 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим усту-вор вазифаларига бағишланган мажли-сидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда прокуратура органларининг ва-зифалари алоҳида Дастур асосида бел-гилаб олинди ва шу асосда прокурату-ра органлари томонидан қонун усту-ворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

ерларидан мақсадли ва қонуний фой-даланиш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқий ҳимоясига оид қонуналар иж-росини таъминлаш ишларини янада фал-олаштириш таъкидланди.

Шу каби, прокурорлар олдида тўлов интизомини мустаҳкамлаш, корхона-ларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, банклар ва нақд пулнинг банкдан таш-қари айланмасини қисқартиришга оид қонуналар ижроси устидан назоратни ку-чайтириш талаб этилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютата оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан со-ҳадаги жиноятларни аниқлашда тезкор имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш борасидаги камчиликлар тан-қид қилинди, бу йўналишдаги ишлар-ни кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиб, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик таъминланиб келин-

КЕНГАЙТИРИЛГАН ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ

Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва бандлигини таъминлаш ишлари проку-ратуранинг назоратининг доимий диққат мар-казида бўлди. Янги иш ўринларини ярат-тиш, фуқароларни, айниқса, акаемик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бити-рувчиларини иш билан таъминлаш бўйича қонун талабларини сўзсиз ба-жарилишини таъминлашга устувор аҳамият берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тadbirkor-ликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонуналар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлашга алоҳида эъти-бор қаратилиб, тadbirkorлик фаолият-тининг ривожланиши йўлидаги маъму-рий тўсиқлар ва бюрократия ҳолатла-рини аниқлаш ва бартараф этишнинг зарур чоралари кўрилди.

Шу билан бирга, ҳайъат мажлисида прокурор назоратининг бошқа йўна-лишларида ҳам муайян натижаларга эришилганлиги қайд этилиб, йўл қўйилган камчиликлар қаттиқ танқид остига олинди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, соғлигини сақлаш ҳамда шу каби бо-шқа ҳуқуқларининг кафолатланишига қаратилган қонуналар ижроси юзасидан айрим вазирликлар, давлат қўмитала-ри, идоралар ва ҳўжалик юртувчи субъектлар томонидан қонунбузилиш-ларга йўл қўйилганлиги эътироф эти-либ, бу соҳада назоратни янада кучай-тириш ва мутасадди идоралар томони-дан йўл қўйилаётган қонунбузилишлар-ни бартараф этишнинг зарур чорала-рини кўриш топирилди.

"Қишлоқ таракқиёти ва фаровонли-ги йили" Давлат дастури ижроси, шунингдек, қишлоқ жойларни ободонлаш-тириш, ижтимоий инфраструктураси-ни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги

ганлиги таъкидланди.

Шунга қарамадан, республика бўй-ча айрим жиноятларга ва хабарларни ҳал этиш борасида йўл қўйилган камчилик-лар танқид қилиниб, тергов сифатини ошириш, жиноятларни марказлашган ҳисобдан яшириш ҳолатларининг олди-ни олишга қаратилган топириқлар бе-рилди.

Шунингдек, жиноят ишлари юзаси-дан дастлабки тергов олиб бориш, жино-ят ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал этиш борасида йўл қўйилган камчилик-лар танқид қилиниб, тергов сифатини ошириш, жиноятларни марказлашган ҳисобдан яшириш ҳолатларининг олди-ни олишга қаратилган топириқлар бе-рилди.

Мажлиса жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича судларда про-курор ваколатини таъминлаш аҳволи ат-рофича кўриб чиқилди. Прокурорлар фаолияти судлар томонидан қонуний ва адолатли қарорлар чиқарилишига қўмақ-лашиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Қадрларни танлаш, тайинлаш, тар-биялаш, шунингдек, уларнинг масъу-лияти ва шахсий жавобгарлигини кес-кин ошириш бўйича фаолиятини янада яхшилаш ҳақида талаблар қўйилди.

Бош прокурор томонидан вилоят прокурорлари ҳамда уларга тенглашти-рилган прокурорлар ва тегишли тармоқ раҳбарлари олдида қонуналар ижроси ус-тидан тасирчан назоратни таъминлаш-да масъулиятни янада ошириш бораси-да қатор вазифалар қўйилди.

Ҳайъат мажлисида муҳокама яқунла-рига кўра прокуратура органлари томо-нидан қонун устуворлигини таъминлаш ва қонуналар ижросини назорат қилиш фаолиятини янада яхшилашга қаратил-ган қарор қабул қилинди.

Ҳалим БОЛТАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Хукукий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишдек юксак мақсадлар йўлида собитқадамлик билан оидмалётган мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари энг олий қадрият сифатида миллий қонунчилигимизда ўз аксини топиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни — Конституциямизнинг 20-моддасида шундай дейилган:

"Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт". Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йилларида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"га қўйилди. Республикада суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислохотлар самараси ўлароқ соҳада жуда катта

публикаси эътироф этган дастлабки ва энг муҳим халқаро ҳужжатлар сирасидандир. Конвенцияга шу кунга қадар жаҳондаги 100 дан ортиқ мамлакат қўшилган.

Конвенция муқаддима ва икки қисмдан иборат бўлиб, 33 моддадан ўз ичига олади. Конвенцияда "қийноқ" тушунчасига изоҳ берилган. Давлатларнинг қийноқларнинг олдини олишда қонунчилик, маъмурий, судлов ва бошқа турдаги чораларни самарали қўллаш борасидаги мажбуриятлари кўрсатиб берилган.

Кўриниб турибдики, фикр юритаётганимиз ушбу мавзу энг долзарб масала сифатида доимо ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолиятида муҳим ўрин тутаяди. Конвенция нормаларининг вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ижро этилиши ҳақида тўхталалган бўлсак, бу борада бир қатор ишлар амалга

мида 1 та ариза ва хабарлар рўйхатга олинган. Улар юзасидан терговолди текшириш ҳаракатлари ўтказилиб, натижаларига кўра кўрсатилган ҳолатлар ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилинган. Жумладан, фуқаро Х.Алибекова аризада, Навоий шаҳрида жойлашган жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаётган ўғли А.Алибековани нисбатан муассаса ходимлари томонидан таъйин ўтказилиб, тан жароҳати етказганлигини билдириб, уларга нисбатан қонуний чора кўрилишини сўраган.

Маъмур ариза бўйича жазони ижро этиш жойларида қонуналарга риоя қилиниши устидан назорат бўйича Навоий шаҳар прокуратураси томонидан текшириш ҳаракатлари олиб борилиб, муассаса ходимларининг ҳатти-ҳаракатлари юзасидан хизмат текшируви тай-

хуқуқларини таъминлаш борасида доимий назоратга олинган тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Шу йилнинг ўзида вилоят ҳокимлиги мажлислар залида вилоят прокуратураси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари билан ҳамкорликда "Дастлабки тергов жараёнида ҳимоя ҳуқуқини таъминлашнинг долзарб масалалари" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Конференцияда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари тингловчилари, шаҳар-туман прокуратуралари, жазони ижро этиш жойларида қонуналарга риоя этилиши устидан назорат бўйича Навоий вилоят прокуратураси ва вилоят ИИБ ходимлари, вилоят суди судьялари, вилоят Адвокатлар палатаси аъзолари ҳамда Навоий Давлат педагогика институти талабалари иштирок этидилар.

ҳамкорликда сайёр йиғилишида бу мавзу қизгин муҳокама қилинди.

Вилоят ҳудудидagi жазони ижро этиш жойларида ҳам маъмур конвенция талаблари ижросини таъминлаш, аввало, ушбу ҳужжатлар нормаларини ҳар бир ходим чўқур ўрганиши ва аниқлаши учун тадбирлар ўтказилмоқда.

Вилоят ҳудудида жойлашган барча жазони ижро этиш колонияларида мавжуд бўлган ҳар бир туркумга Қамовқа олинганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонуналарга риоя қилиниши устидан назорат бўйича Навоий вилоят прокуратураси ходимларининг маҳкумларни қабул қилиш жадавали осиб қўйилган. Маҳкумларнинг яшаш ҳудудига фақат назорат этувчи прокурор томонидан қўлланиб очиладиган, маҳкумлар ўз ҳуқуқ ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан бевосита муносабат

ЮКСАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

ўзгаришлар амалга оширилди. Жиноий жазоларни либераллаштириш, ўлим жазосининг бекор қилиниши, ҳибса олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши, адвокатлар институти фаолиятини тақомиллаштириш борасидаги ишлар шулар жумласидир. Бу ўзгаришлар дунё ҳам-жамиятида қизқиш уйғотётганлиги ва эътироф этилаётганлиги албатта, фар-ифтиҳдор.

Бундан ташқари БМТнинг ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳужжатларининг Парламентимиз томонидан ратификация қилиниши ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, БМТнинг "Қийноқ ҳамда муомала ва жазоланишнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қиммати камситувчи турлари"га қарши Конвенция"си нормаларига риоя этилиши юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Маъмур Конвенция БМТ томонидан 1984 йилда қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси

оширилиб келинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва вилоят прокуратурасининг жорий йилнинг биринчи ярми иш режасига асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идоралари ходимларининг қонуний ҳатти-ҳаракатлари ҳақидаги ариза ва хабарлар ҳал этилишининг қонунийлиги, бу тоифадаги ишларнинг тергов ҳамда прокурорлик назорати аҳволини, асосий эътиборин инсон қадр-қимматини камситиш, қийноқ, таъйин ўтказиш тўғрисидаги муносабатларга қаратган ҳолда ўрганиб, умумлаштирилди. Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи Кенгашида муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, баён этилган инсон қадр-қимматини камситиш, қийноқ ва бошқа таъйин ўтказилганлиги ҳақида 2005 йилда 19 та, 2006 йилда 11 та, 2007 йилда 6 та, 2008 йилда 16 та, 2009 йилнинг 3 оyi даво-

ниланган ҳамда судга оид тиббий экспертизалар ўтказилган. Текшириш натижасига кўра аризада кўрсатилган важдар ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли 2008 йил 10 ноябрда жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиниб, муаллифга маълум қилинган.

Хатирчи туманида яшовчи фуқаро Н.Норкулов ҳам худди шундай ариза билан муносабат қилиб, туман ИИБ ходимлари ўғли У.Норкуловни қонуний ушлаб туриб, уриб тан жароҳати етказишганликларини айтиб, қонуний чора кўрилиши сўраган.

Маъмур ҳолат юзасидан Хатирчи туман прокуратураси терговолди текшируви ўтказган. Судга оид тиббий экспертиза ҳулосалари олинган. Аризада кўрсатилган важдар ўз исботини топмаганлиги сабабли, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиниб, муаллифлар хабардор қилинган.

Қўзғатилган жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчи ёки айбланувчиларнинг ҳимояга бўлган

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, ИИБ ўртасида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари борасида тузилган Меморандумлар ижроси бўйича 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорлик режасига асосан жойларда ўқув семинарлари ўтказилиб келинмоқда.

Яқинда вилоят ҳокимлиги мажлислар залида "БМТнинг "Қийноқ ҳамда муомала ва жазоланишнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қиммати камситувчи турлари"га қарши Конвенция"си нормаларининг Навоий вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ижро этилиши ҳақида"ги назорат-таҳлил фаолияти якунилари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси халқ депутатлари вилоят Кенгаши билан

қилиш имконини берадиган "Прокор қўитси" ўрнатилган. Колонияларда маҳкумларнинг хат, шикоят ва аризалари ўз вақтида ҳеч қандай тўсиқларсиз жўнатилиши таъминланган.

Прокоратуранинг ташаббуси билан жазони ижро этиш жойларида маҳкумларнинг муносабатларини қабул қилиш бўйича ҳар ойда прокуратура ходимлари билан учрашувлар ўтказилиши йўлга қўйилган. Фуқароларнинг муносабатларини қабул қилинишида сансалорликка йўл қўйилмаслиги бўйича прокуратурада "Ишонч телефони" ташкил этилган. Жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топиб, инсон ҳақ-ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилган мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятида бу масала муҳим ўрин тутиб келаятганлигини яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Рауфжон ЭШМИРЗОЕВ,
Навоий вилоят прокурорининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори генерал-майор Ш.Узакон раислигида бўлиб ўтган мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан миллий армиямиз олдига қўйилган вазифалар қатъий равишда бажарилишини таъминлашга яна бир бор эътибор қаратилди.

Маъмур тадбирда вазирликлар, давлат қўмитаси, ҳарбий бирлашмалар, қисмлар ва муассасаларнинг раҳбарлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок этидилар.

ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Мажлисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасида 2009 йил 6 оyi даврида амалга оширилган ишлар муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларга танқидий нуқтан назардан баҳо берилди ҳамда 2009 йил якунига қадар Қуроли Кучларда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш йўлида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгиланганлиги алоҳида таъкидлаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини, Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Исроом Каримовнинг Ўзбекистон Қуроли Кучларининг 17 йиллик байрамга бағишланган муносабатида бирлашмалар ва қисмларнинг ташкилий шарт тузилмасини янада тақомиллаштириш, армиямизни замонавий қурол-ярғоқ ва ҳарбий техника билан қуроллантириш, моддий-техника таъминотини яхшилаш, олий ҳарбий таълим муассасаларининг фаолиятини тубдан қайта қўриб қилиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самардорлигини ошириш билан бир қаторда офицерлар, сержантлар ва

аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш барча поғонадаги командирларнинг энг муҳим вазифаси эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Маъмур муносабат асосида Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан алоҳида Дастур ишлаб чиқилиб, унда прокурорлик фаолиятининг барча йўналишлари бўйича таркибий тармоқлар ва ҳарбий прокурорлар амалга ошириши лозим бўлган вазифалар белгиланганлиги алоҳида таъкидлаб берилди.

Йиғилишда иштирок этган ҳарбий округ ва ҳудудий ҳарбий прокурорларнинг эътибори, бор қуч ва имкониятларини юртбошимизнинг юқориди келтирилган муносабатидagi муҳим вазифанинг муваффақиятли амалга оширилишига сарф этишлари зарурлигига қаратилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашида Қуроли Кучларда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика тадбирларини янада қучайтириш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Б.МИРМАХМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

Ер — элни боқар

Вилоятимизда жорий йил пахта ҳосили учун 109600 гектар майдонга чигит экилган. Маъмур майдонларга биринчи ишлов бериш ва бошқа агротехник тадбирларнинг зудлик билан ўтказилишини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан масъул идоралар билан биргаликда махсус дастур ишлаб чиқилган.

Бу йил баҳорнинг серёгин келиши оқибатида ҳосил бўлган қатқалоқни юмшатиш мақсадида ерни чопиқ қилиш ва безона ўтлардан тозалаш учун ўташ ҳақида ғўза илдозининг чириши, гаммоз касаллигининг олдини олиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан чигит экиш мавсумини сифатли ўтказиш ва чигит униб чиққан майдонларда агротехник тадбирлар билан боғлиқ жараёнлар юзасидан ўтказилган мониторинглар давомида қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 296 нафар шахс, шу жумладан, туман ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринбосарлари қонунбузарилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳусусида расман огоҳлантирилди.

108 нафар шахсга нисбатан маъмурий, 56 нафар шахсга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилиб, қўриб чиқиш учун тегишли идораларга юборилди. Етказилган 286,2 минг сўмлик зарар айбдорлардан истиёрий равишда ундирилди. Фуқаролик ишлари бўйича судларга 51.773,9 минг сўм ундириш ҳақида 17 та ҳамда ноқонуний эгалаб олинган ерларни қайтариш тўғрисида 6 та даъво аризалари қўзғатилди.

Мутахассисларни жалб қилган ҳолда чигит экилган ва сертификат берилган майдонларда танлов асосида текшириш ўтказилганда вилоят бўйича жами 205,40 гектар ерга чигит экиш жараёнида бир қатор қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланган. Жумладан, чигит экишга масъул ходимлар томонидан 0,32 гектар ер майдонидан чигит сифатсиз экилган, 150,49 гектар ерга эса чигит экилмаган, аммо бу ҳисоботларга қўшиб ёзилган. Айрим фермер ҳўжаликлари томони-

дан пахта экишга мўлжалланган 41,01 гектар ер майдонига бошқа экинлар экилган.

Маълумки, пахта етиштириш ўта машаққатли бўлиб, деҳқондан тинимсиз меҳнат талаб қилади. Аммо баъзи фуқароларнинг ўзлар меҳнатини қадрамасликлари ҳафсалани пир қилади. Ёғилувон туманидаги "Қорабон" қишлоғида яшовчи фуқаролар Т.Қазоқов ва З.Темировлар қорамолларини "Хусни Раҳмон омади" фермер ҳўжалигининг чигит экилган 4 гектарлик ерига қиритганлари бис, 0,5 гектар пахта майдони пайҳон қилинган. Оқибатда, ҳўжалик моддий зарар кўрган. Номлари қайд этилган фуқароларга нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилиб, қўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Ёғилувон туман судига юборилган.

Вилоятимиз ҳудудидagi фермер ҳўжаликларида, мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа ҳўжаликларда мавжуд культываторларни фақат отряд усулида ишлатиш, уларни зарур эҳтиёт қисмлар, ёқилиш-мойлаш материалари билан таъминлаш, ишчи-ҳодимлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва уларга ойллик иш ҳақларининг ўз вақтида берилишини таъминлаш, ғўзага суспензия бериш, шу мақсадлар учун ажратилган маблағларнинг белгиланган муддатларда ва мақсадли ишлатилиши устидан назорат тадбирлари давом эттирилмоқда.

Шухрат ҲИҚМАТОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлими прокурори

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳар кун эрталаб Амир Темур хиббони ёнидан ўтаётганимда унинг рўпарасида соат сайин қил ростлаётган маҳобатли янги сарой қурилиши ёнида бир зум тўхтаб, баҳайбат жиҳазларни эслатувчи улкан қранларни, юқори қаватлардаги қурувчиларнинг бетиним ишларини завқланиб томоша қиламан. Улкан қурилиш майдонида кечаю кундуз меҳнат қайнайдми. Айниқса, пойтахтда оқшом чўққанида бу ерда юлдузлар каби чарақлаган саноксиз чироқлар ёдусидан чор-атроф чарогон бўлиб, ажиб бир гўзалликка чулғанади. Шуларни кўз олдимга келтириб, ҳаёл оғушида турганимда кимдир салом берди. Қаршимда ёши етмишлардан ошган, дўппи кийган, кўринишидан зиёлинамо отахон жилмайиб турарди. Қариянинг нуроний чехраси танишдек туюлди, уни бир-икки марта шу атрофда сайр қилиб юрганида учратган эдим. У мени хижолатдан қутқармоқчи бўлиб гап бошлади.

— Ҳой ажойиб манзара. Қурилиш кўлами ҳар бир одамнинг диққатини ўзига тортиди. Аслида шундай улғурғур ишлар тарих саҳифаларига ёзилди. Эшитишимча, бу иморат халқро аюмманлар саройи бўлади. Сизу биз ҳам шу ҳашаматли сарой бунёдкорла-



КЎҲНА ВА НАВҚИРОН ПОЙТАХТ

ри каби ўзимизни бахтли ҳисобласак бўлаверарди. Ахир, қурилишга бевосита гувоҳ бўлиш насиб этиб турибди-да... Тошкентда кўпдан-кўп қурилишларнинг шохиди бўлганман, лекин бунча улкан кошонани умрим бино бўлиб кўрмаган эдим. Қаранг, ҳатто биргина гўмбазининг салобатидан инсоннинг ақли лол қолади, битгандан кейинги маҳобатини бир тасаввур қилиб кўринг-а!..

Қариянинг гурурланиб айтаётган гапларини тинглаб эканман, икки ой аввал қишлоғидан Тошкентга келган Зайниддин жиянинг ҳикояси эсимга тушди.

— Тоғо, — дея ҳикоя қилган эди у шаҳардан олган таассуротларини, — Тошкентга ҳар сафар келсам, катта бир ўзгаришнинг устидан чиқаман. Бир сафар келганимда талабалар шаҳарчасига университетда ўқиётган ўлимни ахтариб борувдим. Ростини айтсам, шаҳарчани кўриб оғзим очилиб қолди. Ўттиз йил илгариги ётоқхоналар, маъмурий бинолар, бекатлар, йўллар таъмирдан кейин таниб бўлмас даражада ўзгарибди. Ҳозирги ёшларга ҳавасим келди. Қанийди, ёшлитим қайтса-ю, мен ҳам уларга ўхшаб ўқисам дейман... Тунов кун эса Қўйлиқдан тақсиди марказга томон келаётиб кўприк устига яқинлашганимизда машинанинг олди ойнасидан гаройиб бир манзарага кўзим тушди. Епирай, дейман ўзимча, бу қандай иморат бўлди?! Гўмбазининг улканлигини қаранг, анани қранларни бошқараётган азаматларнинг юзига қойил-е! Ўтган сафар келганимда кўрмоқдим-ку, дейман. Ҳайратланганимни кўрган тақсиди ҳайдовчиси тушунтира кетди. «Ахакон, бу иморат сиз бораётган хиббонинг шундай ёнига ёнига бино бўлаяпти. Етиб бораёйлик, ўз кўзингиз билан кўрасиз», — дейди. Ўтиббор бериб қарасам, иморат учун жуда муносиб жой танланган экан, гўмбазга узок-узоклардан ҳам кўзга яққол ташланиб турарди. Шаҳар марказига худди узда кўз қўйгандек ярашганини айтмайсизми!..»

— Худди узукка кўз қўйгандак... — мен гапини тугатмасдан отахоннинг тагин илҳоми жўлиди.

— Халқимиз ҳақиқатан ҳам бунёдкор халқ. Буюк аждодларимиз

бунёд этган, бутун дунёга машҳур тарихий шаҳарларимиз, бетаквур меъморий обидаларимиз бунга гувоҳ. Бокй обидаларни бино қилган улғурғур инсонларнинг номлари тарихда қолиб, авлоддан авлодга ўтаверади. Бунга Соҳирқирон Амир Темур, ҳазрат Навоий каби буюк зотларнинг эзгу ишлари мисол бўла олади... Халқимизнинг буюк тафаккури маҳсули бўлган миллий обидаларни кўрсам, ҳажжонга тушаман... Пойтахтимизда минг йиллардан бери амалга оширилган буюк бунёдкорликни бамисоли битмас-туганмас «Тошкентнома» дostonи деса бўлади. Мана шу кўриб турганингиз ўхшаши йўқ меъморий кошона шу дostonнинг зарваракларига битилган шохбайтлардан бири бўлиб қолажак...

«Тошкентнома» дostonининг шохбайтлари». Отахоннинг гурурланиб айтган шоирона ташбеҳида ҳеч қандай муболага йўқ. Ҳақиқатан ҳам кўҳна ва навқирон Тошкент барча замоналарда шоир ўзвчилар учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб келган. Тарих гувоҳ — бу муқаддас маскан дунёга доғи кетган не-не буюк аждодларимиз ва алломаларимиз учун азиз ватан бўлган, уларнинг табаррук хоклари шу заминда мангу ором топади.

Айниқса, юртимиз истиқлолга эришганидан кейин пойтахт тарихида янги саҳифалар очилди. Ўтган 18 йил ичида азим Тошкентда шаҳарсозлик маданияти талаблари даражасида бунёд этилган миллий меъморчилигимиз дурдоналарини кўз олдингизга келтиринг-а! Мустақиллик майдонидаги монументлар, Теурийлар дaври тарихи давлат музейи, Амир Темур хиббони ва соҳибқирон ҳайкали, Олий мажлисининг мухташам бинолари, Халқаро бизнес маркази, Тошкент давлат консерваториясининг янги биноси, санъат кошоналари ва бошқа кўплаб обидалар отахон айтган шоирона таърифга лойиқ.

Пойтахтга таъшир буярулган ҳар бир азиз меҳмон, энг аввало,

лий қадриятларимизга мос равишда Бахтиёр она ҳайкали, юртимизнинг бош дарвозаси рамзи — Эзгулик аркаси қад ростлади. Шу тариқа Бош майдонимиз озод ва обод ватан тимсолига айланди. Эндилликда байрам кунларида Мустақиллик майдонига одам сифмай кетади.

Мустақиллик шўро замонида топталган миллий ўзлигимизни, қадриятларимиз ва динимизни яна ўзимизга қайтариб, ўтмишда яшаб ўтган, дунёга маълум ва машҳур улғурғур алломаларимизнинг табаррук номларини тиклаб берди. Тарихий ва маданий меросимизни, меъморий ёдгорликларни қайта тиклаш юзасидан жуда катта ишлар амалга оширилди. Буни пойтахт ва унинг туманлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Пойтахтдаги кўҳна меъморий ёдгорликлар иккинчи умрини яшай бошлади. Юнусхон мақбараси, Шайх Хованди Тоҳур мақбараси, Қўқалдош мадрасаси, Шайх Зайниддин бобо мақбараси, Қалдирғочбий мақбараси, Кафқол Шойий (Хастимом) мақбараси, Абдуқосим шайх мадрасаси каби меъморий обидалар таъмирланди, қайта тикланди.

Тошкентни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда бунёдкорлик ишлари кўлами бутун туманлар ва маҳаллаларни қам-

Оила билан истиқомат қилдиган туман собиқ шўро даврида «Октябрь» деб аталарди. Истиқлол шарофати билан 1992 йилда туманга ўтмишда яшаб ўтган улғурғур аллома Шайх Хованди Тоҳур номи берилди.

Шайхонтоҳур шаҳарининг марказий туманларидан бири бўлиб, «Бешёғоч», «Қоратош», «Белтепа», «Ибн Сино», «Оқтепа» мавзелирини ўз ичига олган. Туман ҳудудида 49 та маҳалла, 5 та олий ўқув юрти, 10 та касб-ҳунар коллежи, 5 та академик лицей ва ўттиздан зиёд ўрта таълим мактаблари фаолият юритмоқда. Мулкчиликнинг турли шаклларида иш олиб бораётган юзлаб корхоналар, саноат мажмуалари, маданий-маиший хизмат тармоқлари аҳоли турмуши тубдан яхшиланишига катта ҳисса қўймоқда. Мавзелирда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари халқимиз бой-бадалат, тўқин ва фаровон ҳаёт кечиряётганининг ифодасидир.

— Белтепа мавзелининг бутунги қиёфаси билан 10 йил аввалги кўриниши ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, — дейди шу маҳаллада истиқомат қилувчи тadbirkор Одиложон Умиров, — Маҳалла ва унга туташ ерлар илгари тўзтор ва узумзорлардан, пастқам ва кўримсиз уйлардан иборат эди. Эндилликда кўркам замонавий кўп


қаватли турар жой бинолари, тиббий-маданий муассасалар, мактаблар, гузарлар, кенг ва раvon кўчаларни кўрган ҳамшаҳарлар, меҳмонлар бу жойларни таний олмасликлари аниқ.

Ҳар бир ҳамшаҳаримиз Тошкент, ўзи яшаётган туман ҳақида ана шундай гурур ва ифтихор билан сўзлайди.

Маҳаллаошимизнинг сўзларига яна шуни қўшимча қилмоқчимиз. Сўнги икки-уч йил ичида Белтепада қаровсиз ерлар қолмади ҳисоб. Унинг ҳудуди кенгайиб, янги қурилишлар масканига айланди. Мавзелининг ўзида янги мактаблар, болалар спорт комплекси, савдо, маданий-маиший объектлар барпо этилди. «Ойла йили»да Президентимиз ташаббуси билан иккита кўп қаватли тураржой бинолари қурилиб, ёш оилаларга тортиқ қилинди. Ёшларимиз таълим олишлари учун автотранспорт касб-ҳунар коллежи биноси ҳам қисқа мuddатда қурилиб ишга туширилди. Хусусий мулкдорларга, тadbirkорларга тегishли бўлган янги замонавий супермаркетлар, тўйхонау гузарлар, офислар, хизмат кўрсатиш объектлари мавзелининг кўрқига кўрк қўшди. Байрам арафасида мавзела ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари қизгин давом эттирилмоқда.

Пойтахт шаҳар юбилейига қизгин тайёргарлик қирилаётган айна кунларда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримовнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган асосий тантаналарни ўтказиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Халқимизнинг айна дилидаги хоҳиш-истакларини ўзида ифода этган мажкур қарорга кўра юбилейни нишонлаш санасига бағишланган тантанали мажлис ва концерт дастурули 1 сентябрь кунини ўтказилди. Мустақиллик байрами шодоналарига Тошкентнинг юбилейига бағишланган тантаналар улаиб кетади. 2 сентябрь кунини пойтахт майдонларида оммавий-маданий тadbirkорлар ва халқ сайиллари бўлиб ўтади. Худлас, юртимизда кўш байрам ақин, Тошкент эса меҳмонларга қучоқ очмоқда.

Бахтиёр НАЗАРОВ,
Бош муҳаррир ўринбосари



дир. Юртимиз мустақил бўлган йилда Президентимиз имзолаган энг биринчи фармонлардан бири Тошкентдаги бош майдонни «Мустақиллик майдони» деб аташ тўғрисида эди. Сиёсий ва тарихий аҳамиятга молик мажкур қарор асосида тез орада марказий майдонда Мустақиллик монументи бунёд этилди. Ишлаб чиқилган режага кўра бу ердаги «Номаълум солдат қабири» ёдгорлиги ўрнида иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига атаб «Мо-тамсаро она» ёдгорлиги ўрнатилди. Унинг ёнида урушда қурбон бўлган Ўзбекистон фарзандларининг исм-шарифлари битилган мемориал лавҳалар тикланди. Кўп ўтмай мил-

ҳардаги барча катта-кичик маданият ва истироҳат боғлари, бозорлар ва хиббонлар қайтадан бунёд этилди. Кейинги йилларда қурилган Тасвирий санъат галереяси, Болалар ижодиёти уйи, Ўзбек либослари галереяси шаҳар ҳуснига ҳусн қўшди. «Ёшлар йили»да юртбошимиз ташаббуси билан шаҳар марказида фарзандларимизга «Ёшлар ижод саройи» барпо этилиб туҳфа қилинди. Спортга бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам қучайтирилди. «Жар», «Ўзбекистон» спорт мажмуаси, кўплаб катта-кичик болалар спорт майдончалари барпо этилди. Марказий «Пахтакор» стадиони халқаро андозлар даражасида тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

(Давоми. Бошлангани 1-бетда).

Жамиятимиз кўплаб қонунобузилиш ҳолатларидан тозаланди, турли иллатлар-га барҳам берилди. Айрим мансабдор шахслар турли сабаблар билан амалдаги қонунчиликка зид ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлашди. Агар унга вақтда эътибор берилмаса, бу ғайриқонуний ҳужжат қимнингдир ҳуқуқни поймол қилади, давлат ва жамият манфаатларига зиён етказди. Ана шундай ғайриқонуний ҳужжатларнинг 867 таси прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинди. Аниқланган қонунобузилиш ҳолатлари 720 та тақдиднома орқали бартараф

буйича 5 та жиноят иши кўзгатилади. 368 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Йилнинг биринчи ярми давомида Бандликка кўмаклаштиши марказига 32 минг 960 нафар фуқаро мурожаат қилган бўлиб, шундан 30 минг 363 нафари иши жойлаштирилган, иш билан таъминлаш имконияти бўлмаган 2343 нафар фуқарога ишсизлик мақоми берилган, 4 минг 113 та касаначилик ўрни яратилган.

Хория "олтин тоғлар" излаб кетган ва одамфурӯшлар томонидан сотилган, оғир меҳнат шароитларида, тиббий ва ижтимоий ҳимоясиз ишлаган, ҳўрланган, жабранган ҳолда қайтиб келган фуқаролар билан ишлаш масаласи ҳам кўн тартибиде турибди. Одам савдосига қарши курашишга оид қўнулар ижроси юзасидан туман ва шаҳар тиббиёти бирлашмалари, ички ишлар бўлимлари ўртасида жабранганлар тўғрисида маълумот алмашуви йўлга қўйилган. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир юрдошимиз эътибордан четда қолмаслиги керак. У адишган бўлса, биз унга соғлигини тиклаб, ҳаётини изга солиши учун ёрдам беришимиз шарт.

навий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши бошланган. Бу янги уй-жойлар Муσταқиллик байрами арафасида бахтли оилаларга топширилиши режалаштирилган. Бошқа туманларда ҳам шу тартибда иш олиб борилмоқда. Бу рақамлар олиб борилаётган ишларнинг бир қисми, ҳолос.

Қиш оқтарда мавжуд санат қорхоналарини модернизация қилиш, имкониятларини кеңейтириш, янгиларини қуриш оғайри янги иш ўринлари яратишга жиддий ёндошилмоқда. Банк мавсасалари томонидан кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни рўжлантириш мақсалида кенг қўллан ишлар олиб бoрилмақда. Йилнинг биринчи ярми давомида банклар томонидан 76995,2 млн. сўмлик 3816 та лoйиҳалар молияштирилди. Натижасида 8710 та янги иш ўринлари яратилди. Бу кредит маблагларининг 10872,9 млн. сўми



бакилаштириш, сула-
чаларига ишга ки-
тўғрисида сохта ёз-
ҳолат буйича айб-
тан ЖКнинг 228-
лан жиноят иши қ-
катлари олиб бори-
Конун-қоидалар

Конун-қоидалар таралиш тартиб-тартиби эмас, бу ҳақ даражадаги ҳуқуқ маънавиятли бўлади. У қачонки, билдирган конун-қоидалар ҳақиқатга айланса, шунга даъват қилсанон дейишимиз мумкин.

Мустақил Ўзбекистон ҳуқуқий пойдевори энг аввало, халқимизнинг маданий ва маънавий қадриятлари ва қириш эзгу мақсадлари билан ҳамоҳуд бўлиши лозимдир.

Хуқуқни талаб
дан, қандай талаб
Фуқаролар турчи
қилиб, муроди ҳо
линиж билан про
диргоҳдан ноумид
ди, шунинг учу
қилади, суянади.
қонуёнларни бузм
гайриқонуний ха
фарқ қарайдилар.
биз кураётган жам
рак. Лоқайдлик, бо

қилинди. Текшириш натижаларига кўра, 4 миңдан ортиқ мансабдор шахс йўл қўйган хато-камчилиги, қўнуб-зурил-лига мос равишда интимиомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортинди. Кўпол қўнуб-зурилиши ҳолатлари юза-сидан 143 та жиноят ишлари қўзғатилди. Давлат ва жамият манфаатларига етказилган 566,8 млн. сўм моддий зарар айб-дор шахслар томонидан ихтиёрий тўла-ниши таъминланди.

Одам савдоси бугуннинг энг долзарб масалаларидан бирidir. Унга қарши курашнинг энг муҳим йўналишларида бири аҳолини иш билан таъминлашдир. Бу борада вилоятда қатор тадбирлар амалга оширилди. Прокуратура органларининг ташаббуси билан қўқимликлар ва бошқа мутасалли ташкилотлар билан ҳамкорликда 96 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Бу тадбирлар натижасида 24,5 мингдан ортиқ фуқароларга жойлашди, бу жараёнда уларнинг мутахассислиги бўйича ишга киришишга алоҳида эътибор берилди.

Ушбу йўналишдаги қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш борасида 987 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, қўпол қонунбузилиш ҳолати

керек. Бу борада ҳар қандай лоқайдликка йўл қўймаслигимиз шартлиги ҳақидаги мавзу тегишли йиғилишларда қайта-қайта таъкидланмоқда ҳамда тегишли назорат ўрнатилган.

"Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар қишлоқларда турмуш даражасини яхшилашга қаратилган. Қишлоқлардаги 62,3 километр узунликдаги автомобил йўллари таъмирланди. Йилнинг биринчи ярми давомида 19,5 км. ичимлик суви тармоқлари қуриқлиб, фойдаланишга топширилди. 57,3 км. электр энергия таъминотининг янги объектлари қуриқлиб, 30 км.га яқин газ тармоқлари капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Вилоятнинг барча қишлоқ туманларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун ер майдонлари ажратилган ҳамда уй-жойлар қурилиши бошланган. Бу борада Республика Президентининг 2009 йил 3 августда эълон қилинган "Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори айлани мулдоаб бўлди. Хусусан, Самарқанд туманида 32 та намуна

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида қишлоқ ҳудудларидаги тadbиркорлик йўналиш-ларига берилди.

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча тармоқларини ривожлантириш ҳисобига қишлоқ жойларида 44 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Демак, шунча одам иш билан таъминланди. Қанча оилалар доимий даромад манбаига эга бўлди.

Қишлоқ тадбиркорлигининг асосий қисmini ташкил этувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳар томонлама ижобий самара беради. Манфаатдорлик бор жойда ҳаракат, ҳаракат бор жойда даромад бўлади.

Фермер хўжаликлари йўлидаги турли сунъий тўсиқларни бартараф этиш, таъминот ва тайёрлов корхоналарининг фермерлар билан тўзилган шартнома шартларини ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Бу соҳага алоқалор қонунийлик жиссини назорат қилиш ҳам кун тартибидagi масала ҳисобланади. Натига ҳаракатнинг самарасини белгилаяди. 2009 йилги ғалла топишириш режаси вилоят:

лар донга тўлди, қишлоқ дастурхони обод бўлди.

Вояга етмаганларга оид қўнунлар ижроси бўйича прокурор назоратининг самардорлигига эътибор қўйилтирилди. Ўтказилган 161 та текшириш натижасига кўра, 4709 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланасида. Олиб борилган тадбирлар натижасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вояга етмаганлар ўртасида жиноят содир этиш камиайишига эришилди. Қайд этиш лозимки, ўрта таълим мактабларининг 9-синф биттирувчиларининг кейинги босқичда таълим олиши ҳамда касб-ҳунар коллежлари биттирувчиларини ўқига йўллаганини маълум қилди ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Вилоятда ўтган йили коллеж биттирувчиларининг 22269 нафари ишга йўллангани ҳақида ҳисобот кўрсаткичларининг ҳаққонийлиги ўрганилганда, айрим камчиликлар қўлга ташилинди қолди

Самарқанд шаҳридаги "Транс-эксім" МЧЖ кадрлар бўлими бошлиғи Л.Асанова ва бошқалар "Агротадбиркорлик касб-хунар коллежи битирувчилари Э.Аббосов, У.Муртазоев ва Т.Қурбоновларнинг ишга қабул қилинганидақларни тўғрисидаги расмий ҳужжатларни қал

наззулга бошлайд

Вилоят проку
5338 та муҳожа
илинлиш шу дав
қўли демакдир. Бу
тилганиде, иш
ганидан дарак ос
ларинг бир-е
майли. Мисол у
1736 таси прокур
нидан қўриб чи
лангилардан ва 2
ган ҳуқуқлари тик
тушунтирилган
жаат ҳақ қилиш
ларга юборилди.
рига қўшиб, ҳал
ларин бехуда кел
кониятдан фойд
уларнинг муҳожа
ганлиги, ҳар бир
зоратда эжагини
моқчимиз, холос
фуқаро қайсидир
ча арз қилиб кел
баргараф этиш э
зифамиз. Демак,
иллатлар, кону
лаш, қонун усту

Тунги соат бирлар чамаси. Бухоро-Самарқанд йўлининг Нарпай туман Ўзбекистон кишлоғи ҳудудда ҳаракатланиб бораётган машина йўлининг қоқ ўртасида турган қон оқлида тўхтади. Хайдовчи Б.Юсупов ҳали қоннинг ичиди нима борлигини билиб ултурмасидан қоронғудан отилиб чиққан уф нафар йигитнинг таҳдидидан гантиб қолди...

Ҳ.Хусанов — қишлоқдони бўз боласи. Тоғни урсат, талқон қилгудек, ҳунар эгалласа, қўллари қур биттгудек иттири. Уртқолари О.Бобоев ва О.Қодировлар ҳам худди шундай тўрт мучаси соғ. Аммо ёшдикнинг, соғомликнинг қадрига етмаган бўл нотаъонлар ўзаро тил бириктириб, пул топшиқнинг тубан йўлини ташлашди.

Ушга кунли улар бұш қопни йўл чеккасидаги маккашхўри поёни-ю, ўт-ўланлар билан тўдири-
ди, йўлниң ўртасига қўйишди. Ҳазари эса
ўлжа қутиб, бир чеккада биқиниб ётишди. Ни-
ҳоят, Бухоро-Тошкент йўналиши бўйича ҳа-
ракатлани қалаётган "Нексия" русумли машина-
нинг тўхташи улар учун айни муддао бўлди.
Машина ҳайдовчиси Баҳодир ака уларнинг
хўврини бошси мақсадлиа деди:

— Бу қоп сизларникими? Мен нима экан, деб тўхтабман.

Лексин тўсатдан тушган тепки уни баттар таҳликага солди. Уларни разил мақсадидан қайтариш ниятида бир-икки марта инсофга чақирди. Аммо бунинг эвазига яна калтак еди. У машинасидаги йўловчиларни ёрдамга чақирди.

Машина сало니다ги тўрт нафар йўловчи — С.Усмонова, У.Давлетов, Ж.Эргашев ва Н.Журабевлар пастлаб нима бўлаётганига тушун-
ганидан кўнги ҳайвонларни ҳам қўлатибларни-
га яраша жазоларини олдилар.

Хуршид БҲРИЕВ,
вилоят прокурорининг ёрдамчиси

Тадбиркорликка қўл уришдан олдин унинг қонун-қоидаларини обдон ўрганиш лозим. Акс ҳолда тадбиркор билиб-билмай жиноий фаолиятга йўл қўйиши мумкин. Буни қуйидаги воқеа мисолида кўришимиз мумкин.

Масалан, Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги "Қуёшбек юлдузи" фермер хўжалиги раҳбари А.Очилов билан "Қизилтепапахтаозлаш" ОАЖ ўртасида тузилган шартномага мувофиқ 2008 йил ҳосили учун топширилган 73 тонна пахта хом ашёсининг 80 фоизлик тўловлари амалга оширилмагани юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан "Қуёшбек юлдузи" фермер хўжалиги фойдасига топширилган пахта хом ашёси учун тўланмасдан келинган 6 млн. 622 минг 400 сўм асосий қарз ва 609 минг 270 сўм пеняни ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига 2009 йил 19 февралда даъво аризаси ки-

КЕЛИШУВ ОҚИБАТЛАРИ

тузилишида ва бажарилиши соҳасида бир қанча ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, республика бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида жами 510 мингдан ортиқ шартномаларнинг тузилишида адлия органлари томонидан зарур ташкилий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

2009 йил ҳосилидан пахта хом-ашёси харид қилиш бўйича 41 минг 773 та, пилла хом ашёси етказиб бериш бўйича 23 минг 886 та, минерал ўғитлар ва нефть маҳсулотлари етказиб бериш бўйича 100 минг 870 та, техника ва бошқа хизматлар кўрсат-

зилган ҳар қандай шартномалар албатта бажарилиши шарт. Томонлардан бирининг айби билан шартнома бажарилмаган тақдирда, айбдор тараф бунинг учун белгиланган тартибда тегишли жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Бу борада ҳам адлия органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2009 йил ҳосилидан давлат эътиёжлари учун пахта хом ашёси ва бошқоқли дон харид қилиш бўйича контрактация шартномалари, шунингдек, пиллачилик корхоналарига пилла хом ашёси етказиб бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга минерал

ри кўрилди.

Шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга оид қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва қонунбузилишларни бартараф қилиш тўғрисида адлия органлари томонидан 420 та огоҳнома, 455 та тақдирнома, 74 та қўрсатма маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича 114 та ва жиноий жавобгарликка тортиш бўйича 11 та таклиф киритилди. Мазкур таъсир чоралари натижасида 22 та қонунчиликка зид бўлган ҳужжатнинг ижроси тўхтатилган ёки бекор қилинган, 444 нафар мансабдор шахс интизомий ва 75 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка ҳамда 3 нафар шахс эса жиноий жавобгарликка тортилди.

дураҳмоновларга 280 минг сўм миқдорда маъмурий жарималар қўлланилган.

Шунингдек, хўжалик юртуви субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва шартнома интизомини суд тартибда мустақамлашга адлия органлари алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хўжалик судларига шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга оид жами 6 млрд. 504 млн. 702 минг сўмлик 2 минг 51 та даъво аризалари киритилган бўлиб, шундан 1 минг 357 та даъво аризалари 5 млрд. 466 млн. 925 минг сўмга қаноатлантирилди.

Адлия органлари томонидан судларга киритилган ва қаноат-

ритилди. Ушбу даъво ариза 2008 йил 20 мартда хўжалик суди томонидан қаноатлантирилиб, фермер хўжалиги фойдасига жами 7 млн. 231 минг 670 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, шартнома тарафларнинг ўзаро келишуви ва розилиги билан қонуний тузилдими, у албатта бажарилиши керак, унинг бажарилмаслиги эса жавобгар тарафнинг белгиланган тартибда тегишли жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Жаҳонгир СУЛАЙМАНОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида белгиланганидек, тергов ва суд ишлари юриштирилиши ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади.

Конституцияга мувофиқ, адвокатура Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга юридик ёрдам кўрсатади.

Адвокатура фаолиятини Ўзбекистон Республикаси "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлар тартибга солади. "Адвокатура тўғрисида"ги

Шу кунга қадар фаолият юритаётган адвокатларнинг атиги 50 фоизи Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясига аъзо эди. Шу боис, инсон ҳуқуқларини ҳимоялашда адвокатлик номига доғ туширмайдиган, малакали ҳуқуқий хизмат қиладиган, адвокатлик лицензиясига эга бўлган шахсларни бирлаштирадиган ягона тизимнинг мавжуд эмаслиги ноқулайликларга сабаб бўлган дейилса, муболаға бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармони билан бажариш ҳамда Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизда мамлакатимиз адвокатларининг мажбурий аъзолигига асосланган Адвокатлар палатаси ташкил этилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикаси адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш

фаолиятдан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шугулланишга ҳақли эмаслиги белгилаб қўйилди.



биргаликда адвокатлик тузилмасини тузиш ёхуд фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмаларидан бирига кириш шарт. Талабгорга адвокатлик гувоҳномаси адвокатлик тузилмаси рўйхатдан ўтказилган ёки талабгорнинг фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмасига кирганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар адлия органи томонидан олинган пайтдан эътиборан уч иш кунини ичига берилади.

Талабгор адвокатлик гувоҳномаси берилган кундан эътиборан адвокат мақоми олади. Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаси адлия органи бу ҳақда уч кунлик муддатда ҳабардор қиладди. Шундай ҳабарнома олинган пайтдан эътиборан адвокат Адвокатлар палатасининг аъзоси бўлади.

Шунини таъкидлаш лозимки, юқоридаги Қонун қабул қилингунга қадар адво-

Адвокатлик масъулияти

Қонунга мувофиқ олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин.

Ислохотларнинг муҳим омили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикаси адвокатура институтини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармонда адвокатура институтини янада ислох қилишни асосий йўналиши этиб инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири бўлган адвокатларнинг самарали, ўзини ўзи бошқарадиган, марказлаштирилган тизимини, яъни республикадаги барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил қилиш белгиланди.

тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Фуқаролик жамиятининг асосий ва муҳим институтларидан бири бўлган адвокатура институтини ислох қилиш мақсадида жорий йилнинг 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси "Адвокатура институтини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг қабул қилинишида асосий мақсадлардан бири адвокат ваколатлари ва мақоми янада оширишдир.

Ушбу қарорга кўра, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар билан бир қаторда, "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларга ҳам қатор ўзгаришлар киритилди.

Хусусан, адвокатлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга малакали ва сифатли ёрдам кўрсатилишини таъминлаш мақсадида адвокат илмий ва педагогик

Шу билан бирга, адвокат мақомига эга бўлиш учун қўйиладиган талаблар белгиланди. Лицензия олиш учун адвокат мақомига талабгор шахс юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши, шу жумладан, адвокатлик тузилмасида (адвокатлик бюросида, адвокатлик фирмасида, адвокатлар ҳайъатида, юридик маслаҳатхонада) камида олти ой стажировка ўтаган бўлиши ҳамда малака имтиҳонини топириши шартлиги, малака имтиҳонини топира олмаган талабгор уни такроран топиришига камида бир йилдан кейин қўйилиши, малака имтиҳонини муваффақиятли топириган талабгор эса лицензия олиш учун тегишли адлия органига уч ой ичиде мурожаат қилиши кераклиги белгиланди. Бу муддатни ўтказиб юборган талабгор лицензия олиш учун малака имтиҳонини такрорий топиригандан кейингина адлия органига мурожаат қилиши мумкин.

Белгиланган тартибда лицензия олган талабгор уч ой ичиде адвокат қасамёдини қабул қилиши ва яқка тартибда ёки лицензияга эга бўлган бошқа шахслар билан

катлик тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми белгиланмаган эди. Киритилган қўшимчаларга кўра, адвокатлик тузилмалари, яъни адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлик ҳайъати, юридик маслаҳатхоналарнинг ҳуқуқий мақомлари белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, "Адвокатнинг стажёри" номи янги модда ҳам киритилиб, бунда камида уч йиллик иш стажига эга бўлган адвокат стажёрга эга бўлишга ҳақли экани, стажёр, албатта, олий юридик маълумотли бўлиши, стажировка адвокатлик тузилмасида адвокат раҳбарлигида амалга оширилиши ва стажёр адвокатлик фаолияти билан муваққат равишда шугулланишга ҳақли эмаслиги белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, адвокатура соҳасидаги бу ислохотлар асосан, адвокатура институтини янада эркинлаштириш, адвокатларнинг ўрни ва мақоми кучайтиришга қаратилганини таъкидлаш лозим.

Саиткул ШУКУРОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси
бошлиги ўринбосари

Бу фожиага изоҳ беришга тилинг бормайди, ёзишга эса қўлинг титрайди. Суд мажлиси пайтида унсиз йиғлаётган аёл қалбиниң ноласи, аҳён-аҳёнда "Рашиддон, энди сени қайдан топай, сени ўлдиргандан кўра, мени ўлдирса ёки отангнинг ўзи ўлса бўлмасмиди?" дея фарёд чекиши борлиқни ларзага келтирди.

Энди Дилсора Абдиева (айрим сабабларга кўра, исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) қанчал қила қилиб, фарёд чекмасин, ўгли қайтиб келмайди. Унинг кўзидан оқаётган шашқатор ёш темирни эритиши, тошни тешиши мумкин. Лекин турмуш ўртоғи Раҳим Бердиевга ўхшаганларнинг могор босган, безга айланган қалбини жилла бўлсин титратмайди. Акс ҳолда у ўз пуштиқамаридан бўлган беғуноҳ фарзанди Рашиддоннинг кўрагига ўзининг этикдўзликда ишлатиладиган пичоқини санчиб ўлдирмаган бўларди. Хотини билан иккаласи ўртасида ўтган ачиқ-тизиқ гап учун бургага ачиқ қилиб, кўрпа куйдирмасди. Инсонга жон ато

ли хонавайрон бўлган тақдирлар қанча! Раҳим оилада учинчи фарзанд. У Ҳузур тумани деҳқон бозоридан 2001 йилдан буён этикдўзлик билан шугулланиб келган. Лекин ичкиликка муккасидан кетганлиги туфайли 2009 йил 10 январдан буён этикдўзликни ҳам йиғиштириб қўйган.

Эрининг ичкилик ичиши, уриб-қақоратлаши жонига теккан Дилсора ўтган йилнинг 18 декабрида болаларини олиб, онасиникига кетиб қолган. Бироқ эри жанжал қилиб ўгли Рашидни қайтариб уйига олиб келган.

Суд мажлисида судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўргазмаларидан аниқланишича, жорий йилнинг 3 март куни эрталаб ичкилик деган зормаданининг хуморига чидаёлмаган Раҳим уйдаги экрани синган "LG" русумли телевизорини кўтариб "Зангори экран" устaxonасида ишловчи эски таниши Х.Бекмуродовнинг олдига боради ва телевизорини 30 (ўттиз) минг сўмга сотиб, "Орзу" ошхонасида ўтириб, бўкканича спиртли ичимлик истеъмол қилади. Шун-

дан дегунча Раҳим пичоқни ўгли Рашиднинг ўнг кўкрагига санчган. Абдуқодир бобо ўлгининг қўлидан пичоқни тортиб олиб, неварасини кўтариб қўшниси Б.Хуррамовнинг уйига бorgan ва унинг машинасида туман марказидаги шифохонага олиб бorgan. Кўп қон йўқотганлиги туфайли Рашид у ерда жон берган.

Суд мажлисида воқеага тегишлича баҳо берилиб, қотилга қилмишига яраша жазо тайинланди.

Шу ерда мақолага нуқта қўймоқчи бўлдиғу фикримиздан қайтдик. Пайғамбаримиз ҳадисларида Абдуллоҳ ривоят қилади: "Ё Расулаллоҳ, энг оғир гуноҳ қайсидир?" деб сўради. Жавоб Расулаллоҳ: "Ўзингиз Яратган Оллоҳга ширк келтирмоқ", дедилар. "Кейин қайсидир?"

қўни-қўшиллар, маҳалла оқсоқоли, гапта етарман кишилар қаёққа қарашди?! Бир-биримизнинг ҳолимизни сўрамасак, яхши-ёмон кулларимизда бир-биримизга елка тутиб, ҳамдард бўлмасак, ахир биз нима учун яшаймиз?!

Биз саводсиз деб атайдиган ота-боболаримиз ўтмишда савоб учун мадраса-ю о б и д а л а р



Дилсора шундай ҳурмату эъзозга лойиқми?! Нега у эрни эр қилиш учун ҳаракат қилмади, рўзғори тинчлиги йўлида сув келса симириб, ўт келса кемирмади? Аслида аёл ўн ақлдан тўққизтасини рўзғори тинчлиги йўлида ишлатиши керак-ку, ахир!

Суд мажлисидан олган гамгин таассуротларни унуттиш учунми ёки титраётган қалбига таскин-тасалли истабми, радионинг қўлогини бурайман. Ҳофизнинг дардли овози тўлқинлар узра оқиб келаверади:

*Бахт ярим, қайғу ярим,
айт, не бекам яраган,
Наҳотки, эзгуликнинг
қўллари нам яраган?!*

Во ажабо, бу дунёда гап чекмаган, қуймаган одам йўқ экан-ку?! Гўё қўшиққа қўшилиб, қалбинг ҳам оловда ёниб кетай дейди-я.

Азиз ўқувчи, суд мажлиси таассуротлари туфайли биз гамгин халқларга берилдик. Фалақийёт илмидан маълумки, барча сайёралар қўёш атрофида ва ўз ўқи атрофида айланади. Бу — табиат қонун.

ТУБАНЛИК ТИРДОБИ

эталдиган ҳам, вақти келганда омонатини оладиган ҳам Оллоҳ эканлиги ҳақида уйлаб кўради.

Аслида Ҳузур туманидаги Чақар қишлоғида яшовчи Раҳим билан Дилсора севишиб, яхши ниятлар билан 2001 йилда турмуш қуришганди. Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари билан умр кечириётган бу оилада четдан қараганда, гўёки ҳамма нарса: бошлана, рўзғорга етарли ҳижоз-анжомлар, энг муҳими, оила риштасини мустаҳкам боғлайдиган тенгсиз бойликлари — фарзандлари Камола ва Рашиддон бор эди. 2004 йилда Рашиддон туғилганда учур роса қувонишганди. Қалар ўғил фарзанд ота-она учун ушалган орзу, юрак бутунлиғидир. Қолаверса, жон қушандаси ҳам, мол қушандаси ҳам ўғли бор уйдан ҳайқайди. Ўғил кўрмадм деб, ширин рўзғоридан ажралиб кетганлар бор. Бу армонларни ичларига ютиб, умр бўйи юраклари йиғлаб юрганлар қанча! Аммо ноқобил ўғилларнинг дастидан пушаймон билан ўтаётганлар, улар туфай-

дан сўнг туман марказидаги шифохонада ётган хотинининг олдига бorgan. Сен мен билан яшайсанми, деб сўраганида, хотиндан йўқ, сен билан яшайман, деган жавобни эшитгач, уни бир шапалоқ урган пайтда даволувчи врач келиб қолиб, Раҳимни палатадан чиқариб юборган.

Аламга чидаёлмаган Раҳим кундуз соат 1.30 ларда уйига бориб ўлидан устачилик асбоблари турадиган кўтининг қалитини сўраган. Рашид бобосини уйғотиб, "Отам устачилик асбоблари турадиган кўтининг қалитини сўрайпти", деган. Бобоси киссасидан қалитни олиб отиб юборган. Бирпасдан сўнг Раҳим ўлини чақирган. Рашид даласининг олдига борса уни ушлаган пайтда Абдуқодир бобо ўлининг қўлида устачилик пичоғи борлигини кўрган. Тубанлик гирдобига тушиб қолган Раҳимга падари бузрукворининг қараб тургани, унинг қўлидаги пичоқни қўриб, жон ҳолатда олдига чошиб келаятгани ҳам таъсир қилмади. Кекса отаси ҳаллослаб олдига бора-

ледим. Жаноб Расулаллоҳ: "Воқатимга шерик бўлмасайди, деб ўз болангизни ўлдирмоғинг", дедилар.

Кишига ҳеч бир манфаатни кўзламай яхшилик тилай оладиган яккаю ағона кишилар — бу ота-она эмасми?! Биз ўзбеклар болажон, боласи учун ҳар қандай қийинчиликларга ҳам тайёр халқмиз-ку, ахир! Халқимизнинг энг оғир дамларида ҳам бир бурда нонини ўз боласини-ку қўя турарлик, ўзга миллат болалари билан ҳам баҳам кўргани бор ҳақиқат-ку! Иккинчи Жаҳон уруши пайтида етим болаларни ўз бағрига олган Шокосим Шомаҳмудовлар оиласининг инсонпарварлиги тарихда муҳрланган қолди. Биз ҳаёт мазмунини фарзандларимизнинг бахту саодатида деб билган меҳрилар ўзбек эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

Наҳотки, одамлар орасида меҳр-оқибат йўқолиб, ўзбек тили луғатларида етим боладек қақшаб қолган бўлса, дея ўйга толасан киши. Раҳим билан Дилсора оиласининг суви тинимасган, уруш-жанжал бўлиб турар экан,

қуришган, халқ баҳраманд бўлсин, деб ариқлар қазишган, етим-есирларнинг бошини силлашган, қариндош-уруғлар ҳақида-ку гапирмасак ҳам бўлади.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Худонинг марҳамати билан оилани оила қиладиган зот-бу аёлдир".

Оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир. Улуг доinishмандлар Ватанга энг муносиб таъриф излаганда уни она сиймосига қиёс қилганларида катта маъно бор. Онани эъзозлаш бизнинг мамлакатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Чунки аёлларни қанча улугласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули, деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозларан бўламиз.

Бўлмаса олам издан чиқарди. Шунингдек, ҳар бир оиланинг ҳам ўз айланмаган ўки — аъёналари, муқаддас китоби, уфрларни бўлмоғи лозим. Отадан ўғилга, ўғилдан набирга мерос ўтадиган муқаддас аъёналари, меҳр-оқибат билан йўғрилган сининган китоблари даркор. Шунда ота-бола, қариндош-уруғ, ёру биродар, ҳамқишлоғу қўшиллар бир-бирларига меҳр-оқибатли бўладилар. Шунда оилалар мустаҳкам бўлади, ёшларимиз ўртасида биров учун қайғуриш, ўзганини ташвишини ўз ташвишидек ҳис қилиш туйғуси оилада, боғчада ва мактабда шаклланиб боради. Шунда Раҳимга ўхшаганлар фарзандқушлик қилиб, қўлини қонга ботирмайди, балки уйим-жойим, бола-чакам дейди, одамларга яхшилик қилишни оистайди, эзгуликка интилади. Шунга эришмоғимиз лозим.

Маннон ПАРМОНОВ,
Кашкадарё вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи,
Норбўта ГОЗИЕВ,
журналист

Бугун қарерга қараманг, ўзининг мустақил фаолият турига эга бўлган, катта ва кичик корхоналарнинг эгаси ҳисобланган талбиркорларга қўзингиз тўшади. Улар нафақат хизмат кўрсатиш тизимини, балки ишлаб чиқариш соҳасида ҳам муайян ютуқларга эришмоқдалар. Албатта, бу ютуқлар ўз-ўзидан рўбega чиқмаган. Бунинг учун астойдил меҳнат ва сабр-бардош керак бўлади. Лекин ҳаёда доимо ҳам ҳалол меҳнат билан рўзғор тебраттиш ҳар кимнинг қўлидан келавермас экан.

Уларни Иброҳим кутиб олиб, уйига олиб боради. Меҳмонларни чой ва қатик билан меҳмон қилиб, "газет"га 240 ўрамдаги полиэтилен пакетга қadoқланган, тахминан 1000 грамм героинни тортиқ этади. Меҳмонлар "героин"ни чой ва қатик билан ютиб юборишади. Меҳмондорчилик тутагач, икковлон айланма йўл орқали Бекобода қайтишади. Бу ерда уларни Сергей кутиб олади ва Тошкент шаҳар аэропортига бошлади. Аэропортда эса Темур билан Собир уларни қарши олиб, қўлларига Россияга иккита чипта тўтказишади. 8 июн куни Рустам Шерали билан Тошкент-Но-

Тошкентда уларни Сергей кутиб олиб, Бекобода жўнатади. Бу сафарги операция ҳам аввалгисидай эди. Рустам ва Орикул Бекобод орқали Тожикистонга ўтишади. Уларни яна Иброҳим кутиб олиб, меҳмондорчиликка олиб боради. Меҳмондорчилик бу гал ҳам яхши ўтади-ю, бироқ дастурхонга камроқ "таом" тортиқ қилинади. Йиғилган бу сафар 217 ўрамдаги 884.1 грамм героинни чой билан қатикқа аралаштириб, "тановул" қилишади. Зийфат тутаб, улар ортга қайтишади. Бекобода уларни Сергей кутиб турарди. Рустам келиб, Сергейни четта тортади ва унинг

Йўлда уларни Тошкент вилояти ИИБ ходимлари тўхтатишади. Машина тинтувдан ўтказилганда Сергей яширган героин топилади ва машинасидан бундай модда чиққанидан юраги орқага тортиб кетган Жавлон ҳаммасини гапириб беради. Тезкор гуруҳ дарҳол Рустам билан Орикулни Бекобод марказий касалхонасига олиб келишади. Бу ерда Рустамдан 109 та, Орикулдан эса 108 та оқ полиэтилен пакет олинади...

Шу билан жиноий гуруҳ фаолияти ошкор этилади. Суд жиноятчиларга нисбатан ўзининг одилона ҳукмини ўқиди. Шу

ЖИНОЯТЧИНИНГ ЮГУРГАНИ КАМОҚХОНАГАЧА...

Икки оғайни — Темур (исмлар ўзгартирилган) билан Собирни меҳнатсиз даромадга эришиш йўлини қидирганлар сарасига киритиш мумкин. Улар бу ишда бир қондага амал қилишди. Қиморда уйнаган эмас, қимор уйнатган ютади. Шу ақлдан ўзларига дастак қилиб олган йиғилган Тожикистондан пўханд моддаларини Ўзбекистонга олиб ўтиб, кейин Россияга ўтказишни кўзлашди. Тезда жиноий гуруҳ тўзилиди.

2008 йилнинг 6 июн куни Сергей ВА3 2106 русумли автомашинада Рустам билан Шералини Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Ойбек қишлоғига олиб боради. "Катталари"нинг тузган режасига асосан Рустам билан Шерали айнаш шу қишлоқ орқали Тожикистоннинг Сўд вилояти, Мастчоҳ тумани ҳудудига яширинча йўл билан ўти-

восибирек йўналиши билан Россия Федерациясига йўл олишади. Новосибирск вилоятининг Новокузнецк туманида эса тожикистонлик Зоҳид уларни кутиб турарди. У икки шерикнинг қоринларидаги героинни 2-3 кун давомида клизма йўли билан амаллаб олади. Ишни битирган йиғилган Тошкентга қайтишади-ю аэропортдаёқ 500 АҚШ долларидан хизмат ҳақини олишади.

Олти кунда шунча маблағга эга бўлиш Шералини уйлантириб қўйди чоғи, у "уйин"дан чиқади. Рустамга эса аксинча, ўз ҳаракатларини давом эттиришга бел боғлайди. Бироқ бу ишда унга ҳамроҳ керак эди. Кўп қидиришга тўғри келмади. Икки ҳафталардан кейин Рустам Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида яшовчи Орикулни бошлаб, Тошкентга келади.

илтимосига кўра ютмасдан олиб келган 2 ўрамдаги "мол"ни узатади. Сергей шу заҳоти героинни чўнтагига яширади. Уларни Тошкентга кузатиб юбориш учун машинага қайтган Сергей героинни билдирмасдан олд ўриндиқдаги тўшақ остига беркитади.

ерда яна ўша ҳазиломуз ҳақиқат ҳаёлимизга келади. Бузоқнинг югургани сомонхонагача, жиноятчининг югургани қамоқхонагача...

Бахтиёр УСМОНАЛИЕВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Бош прокуратура жамоаси Бош прокурорнинг ёрдамчиси Рустам Нуризаровга падари бузруквори

ЭРКИН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Хоразм вилоят прокуратураси жамоаси Ҳазорасп туман прокурорининг ёрдамчиси **Ўзинбой ЖУМАНИЗОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ нинг вилоят ҳудудий филиаллари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. РКМБ Бухоро вилояти филиалининг аукцион савдосига ДМК Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Бухоро шаҳар ҳокимининг 06.07.2009 йилдаги 994-сонли ва Бухоро туман ҳокимининг 02.07.2009 йилдаги 219-сонли қарорларига асосан қуйидаги ер участкаларининг фойдаланиш ҳуқуқи билан аукцион савдоларига чиқаришмоқда:

1. Бухоро туман Работқалмоқ МФЙ, Деҳқончи қишлоғи ҳудудидан савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуриш учун 400 кв.метрдан иборат 2 та 1,2-ер майдонлари. Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси — 600 000 сўм.

2. Бухоро шаҳар Қ.Муртазоев кўчаси, телерадиостанция биноси қуриш учун 300 кв.метрдан иборат 1 та ер майдони. Бошланғич баҳоси — 11 995 200 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 4 сентябрь кунини соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига 3 (уч) кун қолганда тўхтатилади. Аукционда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилганда закат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 100 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини РКМБ Бухоро вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк» Сардор филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20210000900571452118, МФО: 00119, СТИР 200933850. Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик

кўчаси, 10-уй, 4-қavat Телефонлар: (8365)223-71-36, 223-71-30.

II. РКМБ Хоразм вилояти филиалининг аукцион савдосига ДМК Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг 29.07.2009 йилдаги КОС-сонли буйруғига асосан, мерос қилиб қолдирини шарт билан умрбод эгаллик қилиш учун қуйидаги ер майдонлари аукцион савдосига қўйилмоқда:

1. Урганч туман «Чолиш» шаҳарчаси 1-А квартал ҳудудига жойлашган, 1-ер майдони, сатҳи 426 кв.м. 2-ер майдони, сатҳи 424 кв.м., 3, 5, 6, 13, 14, 16, 20-ер майдонлари, сатҳи 420 кв.м., 4-ер майдони, сатҳи 412 кв.м., 7, 8, 9, 10, 11, 12-ер майдонлари, сатҳи 432 кв.м., 15, 17, 19-ер майдонлари 425 кв.м., 18, 21-ер майдонлари, сатҳи 430 кв.м. Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси — 150 000 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 10 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги ер майдонлари 2009 йил 10 сентябрдаги очик аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, сотилмаган ер майдонларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йил 17 та 24 сентябрь кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

2. Шунингдек, 2009 йил 17 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига ДМК Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг 29.07.2009 йилдаги 155-КОС-сонли буйруғига асосан, Янгйўзбор туман Ширинқўй-гирот қишлоғи «Катеп» аҳоли пункти ҳудуди-

да жойлашган, ҳар бирининг юзаси 600 кв.метр бўлган жами: 5 та, 1, 2, 3, 4, 5 ер майдони. Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси — 200 000 сўм.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги ер майдонлари 2009 йил 17 сентябрдаги очик аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, сотилмаган ер майдонларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йил 24 сентябрь кунини бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига 3 (уч) кун қолганда тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 100 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини РКМБ ЁАЖ Хоразм вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека» банки «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20210000700571452056, МФО: 00580, ИНН:200933850. Ҳар бир фуқаро биттадан кўп бўлмаган миқдорда ер майдонини сотиб олиши мумкин. Манзил: Хоразм в., Урганч ш., Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. Телефон: 8(362)226-43-64.

III. РКМБ Навоий вилояти филиалининг аукцион савдосига ДМК Навоий вилояти ҳудудий бошқармасининг 05.07.2009 йилдаги 21-П-сонли буйруғига асосан, Кармана туман «Дўстлик-2» массивида жойлашган якка тар-

тибда уй-жой қуриш учун жами 3 та, 75, 76, 161-сонли ер майдонлари қўйилмоқда. Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси — 150 000 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 3 сентябрь кунини соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан бюртмаларини қабул қилиш аукцион савдосига уч кун қолганда тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини РКМБ Навоий вилоят филиалининг АТ «Ипотека банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20210000300571452458, МФО 00205, ИНН 200933850. Аукцион савдосида солиби сотувчи билан 20-кундан кечикмаган муддат ичида олиш-сотиш шартномаси имзолаши шарт. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиладиган манзил: Кармана тумани Охунбобоев кўчаси 50-уйда жойлашган Муслик мактаби боғинининг 1-қавати. Манзил: Навоий ш., П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: 8(436) 22-4-15-61, 22-4-64-31.

Аукцион савдосида юзасидан барча маълумотларни РКМБ ҳудудий филиалларининг телефон рақамлари ёки интернетдаги www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Жамиятнинг янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва ягона тўплам ҳолига келтириш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, иқтисодий муносабатлар шиддат билан ривожланиётган бир пайтда икки палатали парламент томонидан қонунларга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида қонун ҳужжатларини ягона тизимга келтириш объектив заруратдир.



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ
ҲУЖЖАТЛАРИНИ
ТИЗИМИ

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТИЗИМИ

Ушбу заруриятни инобатда олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингори институти томонидан Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизими тўплам шаклида тайёрланиб чоп этилди. Тўпламга 1989-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси қўйилган (ратификация қилган) халқаро кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар тизимли тарзда киритилган.

Тўпламнинг тайёрланиши нафақат амалий эҳтиёж, қолaversа, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 33-моддаси ижросини таъминлашга ҳам хизмат қилади десак, муболага бўлмайди. Чунки ушбу модда талабига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат томонидан ҳисобга олиш бундай ҳужжатларни марказлашган тарзда йиғиш ва рўйхатга олишдан, уларнинг фондларини ҳамда бу ҳужжатлар ҳақидаги марказлашган ахборотларни яратиш ва назорат ҳолатида сақлаб туришдан иборатдир. Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тизимли равишда ўрганиш натижасида тайёрланди.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида тайёрланган мазкур тўплам қонунчилик жараёни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари, илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчилар, аспирантлар, магистрлар ҳамда кенг жамоатчилик учун фойдали қўллана бўлади деган умиддамыз.

М.МАМАСИДДИКОВ,
юридик фанлар номзоди,
доцент

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

Сизларни қуйидаги давлат активларини сотиб олиш юзасидан тўғридан-тўғри музокаралар олиб боришга таклиф этади.

Сотувчининг номи ва почта манзили, унинг алоқа қилинадиган телефонлар ва телефакс рақамлари: 220100, Урганч шаҳри «Ал-Хоразмий» кўчаси 30-уй, Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси, электрон почта: www.GKL.uz
Телефонлар: (8 362) 226-16-55; 226-31-55; 226-81-68

Сотиб таклиф қилинаётган давлат активларининг номи, сонини, тавсифи ва давлат активи жойлашган жой:

1. Хоразм вилояти Янгйўзбор тумани «Оёқдўрмон» қишлоғида жойлашган 29-сон боғалар боғчаси, 1982 йилда қурилган, умумий ер майдони 3696,7 м², қурилиш ости майдони 297,0 м².

Баландсиз сакловчининг номи ва манзили: Хоразм вилояти Янгйўзбор туман маркази Янгйўзбор туман ҳокимлиги

Ўтказиладиган музокараларнинг асосий шартлари:

— объектнинг қиймати 25 740 000 (Янгйўзбор беш миллион етти кўз қирқ минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— 2 йил давомида боғалар боғчасини таъмирлаш, жиҳозлаш ва кейинчалик фойдалан қўрсатишга шартномага яратишга сотилиш қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

2. Хоразм вилояти Янгйўзбор тумани «Охунбобоев» қишлоғида жойлашган 12-сон «Қонит» боғалар боғчаси, 1962 йилда қурилган, умумий ер майдони 1120,0 м², қурилиш ости майдони 455,6 м².

Баландсиз сакловчининг номи ва манзили: Хоразм вилояти Янгйўзбор туман маркази Янгйўзбор туман ҳокимлиги

Ўтказиладиган музокараларнинг асосий шартлари:

— объектнинг қиймати 34 310 000 (Тўғри тўрт миллион уч кўз ўн минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— 2 йил давомида боғалар боғчасини таъмирлаш, жиҳозлаш ва кейинчалик фойдалан қўрсатишга шартномага яратишга сотилиш қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

3. Хоразм вилояти Шовот тумани «Қиё» қишлоғида жойлашган 28-сон боғалар боғчаси, 1968 йилда қурилган, умумий ер майдони 4087,0 м², қурилиш ости ер майдони 942,0 м².

Баландсиз сакловчининг номи ва манзили: Хоразм вилояти Шовот туман маркази Шовот туман ҳокимлиги

Ўтказиладиган музокараларнинг асосий шартлари:

— объектнинг қиймати 56 183 500 (Эллик олти миллион бир кўз саксон уч минг беш) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— 2 йил давомида боғалар боғчасини таъмирлаш, жиҳозлаш ва кейинчалик фойдалан қўрсатишга шартномага яратишга сотилиш қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

4. Хоразм вилояти Янгйўзбор тумани «Таган» қишлоғида жойлашган 28-сон боғалар боғчаси, 1963 йилда қурилган, умумий ер майдони 453,0 м², қурилиш ости майдони 446,88 м².

Баландсиз сакловчининг номи ва манзили: Хоразм вилояти Янгйўзбор туман маркази Янгйўзбор туман ҳокимлиги

Ўтказиладиган музокараларнинг асосий шартлари:

— объектнинг қиймати 22 175 700 (Икки миқдорда бир кўз етти беш минг етти кўз) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— 2 йил давомида боғалар боғчасини таъмирлаш, жиҳозлаш ва кейинчалик фойдалан қўрсатишга шартномага яратишга сотилиш қий-

матининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

5. Хоразм вилояти Хива тумани «Соғ» қишлоғида жойлашган 7-сон «Қамалак» боғалар боғчаси, 1985 йилда қурилган, умумий ер майдони 6600,0 м², қурилиш ости ер майдони 316,2 м².

Баландсиз сакловчининг номи ва манзили: Хоразм вилояти Хива туман маркази Хива туман ҳокимлиги

Ўтказиладиган музокараларнинг асосий шартлари:

— объектнинг қиймати 54 470 000 (Эллик тўрт миллион тўрт юз етмиш минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— 2 йил давомида боғалар боғчасини таъмирлаш, жиҳозлаш ва кейинчалик фойдалан қўрсатишга шартномага яратишга сотилиш қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

6. Хоразм вилояти Янгйўзбор тумани «Қаттабоб» қишлоғида жойлашган 18-сон «Райхон» боғалар боғчаси, 1963 йилда қурилган, умумий ер майдони 2360,0 м², қурилиш ости ер майдони 446,88 м².

Баландсиз сакловчининг номи ва манзили: Хоразм вилояти Янгйўзбор туман маркази Янгйўзбор туман ҳокимлиги

Ўтказиладиган музокараларнинг асосий шартлари:

— объектнинг қиймати 62 200 000 (Тўғри олти миллион икки юз минг) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— 2 йил давомида боғалар боғчасини таъмирлаш, жиҳозлаш ва кейинчалик фойдалан қўрсатишга шартномага яратишга сотилиш қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: музокаралар (оммавий оффорта) Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси (манзил: Урганч шаҳри Ал-Хоразмий кўчаси 30-уй) да 2009 йил 5 сентябрь соат 10-00 дан бошлаб

Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш тамом бўлиш санаси ва вақти: 2009 йил 5 октябрь (бир ой давомида ҳар иш кунини соат 9-00 дан 18-00 гача) соат 17-00.

Тўғридан-тўғри музокараларда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда чопар ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда бюртмаларини икки нусxada тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
— jismoniy шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— икки нусхасидаги ёпиштирилган контролларда солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;
— инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақалар талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV,
Bahridin VALIYEV, Baxtiyor
NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
2007 yil 22 yanvarda 0188 raqam bilan ro'yxatga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va
suratlar egalariга qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan
farqlanishi mumkin. Nashrimizdan
ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan
olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat
ahamiyatiga molik materiallar **
belgisi ostida chop etiladi.

Nashr ko'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma j-7874. 21 382 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA
Navbatchi: O.DENQONOV
Musahifchi: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahri, Alishev Navoi ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning
payshanba kunlari
chiqadi.
Sotuvda
kelishilgan narxda